Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси
Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 21 май
СЕШАНБА
№ 95 (5.137).
БАҲОСИ 8 ТИЙИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ◆ Ҳафтада беш марта чоп этилади

# ПАРТИЯ ОБРЎСИНИ ИШ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби О. С. Шенин 15—18 май кунлари Ўзбекистонда бўлди. У жумҳурият ҳаёти, Ўзбекистон Компартиясининг, жойлардаги партия ташкилотларининг фаолияти билан танишди. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазифаларини ҳал этиш, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий турмушда юз бераётган жараёнларга партия ташкилотларининг таъсирини кучайтириш билан боғлиқ бўлган яқин кунларга ва истиқболга мўлжалланган режалар билан қизиқди.

О. С. Шенин Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги, Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги бошланғич партия ташкилотларида ва меҳнат жамоаларида бўлди. Коммунистлар, меҳнаткашлар билан суҳбатларда турмушнинг турли соҳаларини янгилаш, КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини бажариш, жумҳурият коммунистлари ҳаракат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ўртага қўйилди.

КПСС Марказий Комитетининг котиби Ангренда бўлди, табиий офатдан зарар кўрган Жигаристон қўрғонига борди. У ҳалок бўлганларнинг оилаларига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси номидан чуқур таъзия билдирди, янги қўрғон қурилаётган жойни бориб кўрди.

КПСС Марказий Комитетининг котиби Тошкентда В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

О. С. Шенин 18 май куни жумҳурият, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти партия фаоллари билан учрашувда нутқ сўзлади.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби, жумҳурият Президенти И. А. Каримов ҳам нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг апрель ойида бўлиб ўтган қўшма пленуми якунлари батафсил таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Компартияси ўтказаётган қатъий, жўшқин ва изчил сиёсат мавжуд қийинчиликларнинг бартараф этилишига ишонч бағишлаётгани таъкидлаб ўтилди. Яхши меҳнат кайфияти, танг вазиятдан тезроқ чиқиб олишга интилиш — Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий вазиятни барқарорлаштириш натижасидир.

Мамлакатда иқтисодий ажрамачилик тўлқини бошланган, сиёсий кучларнинг бир-бирига қарама-қаршилиги давом этаётган ҳозирги пайтда Ўзбекистон иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиб кетишини тўхтатиб қола олди. Бунда партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг иши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Партия ташкилотларининг кўпи бир неча минтақаларда коммунистлар тутган йўлга қўшилмадилар, иқтисодиётга таъсир ўтказишдан ўзларини четга олмадилар, меҳнат жамоаларининг ишончини, ҳурматини йўқотмадилар. Бу Ўзбекистон Компартияси ўтмишдаги хатоларини диққат-эътибор билан таҳлил қилиб, уларни тан олгани, бу ҳақда халққа рўй-рост гапиргани натижасидир. Бинобарин халқ ҳам партияга ишонди.

Ўзбекистон партия комитетлари ва партия ташкилотлари долзарб вазифалар мажмуини ҳал қилишда ўз кучларини қайси соҳаларга қаратишни аниқлаб олдилар. Халққа эртанги кунга ишонч бағишлайдиган кучли ижтимоий сиёсат ана шундай соҳалардан биридир. Иттифоқ шартномасининг имзоланиши гражданлар осойишталигининг сўзсиз шарти бўлади, жумҳурият аҳолиси референдумда шундай иттифоқ учун овоз берди.

Бозор муносабатларига ўтиш жамиятнинг мулкий жиҳатдан чуқур табақаланишига, меҳнаткашларнинг ижтимоий ғалабалари тугатилишига олиб бормайдиган, аниқ бошқариладиган тусда бўлиши лозим — коммунистларнинг фикри ана шундай. Ўзбекистон партия ташкилоти ҳаракат дастурини қабул қилаётганда устивор йўналишларни, хусусан аҳолини иш билан таъминлаш каби энг муҳим муаммолардан бирини ҳал қилишни аниқ белгилаб олди. Ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш дастури амалга оширилмоқда. Бир мисол диққатга сазовордир — яқинда бўлиб ўтган Наврўз байрами чоғида коммунистлар хайрия ва меҳр-мурувват тадбирларида фаол қатнашдилар — тўпланган анчагина маблағ камбағалларга, қарияларга, кўп болали оилаларга ёрдам беришга ажратилди.

Ана шундай аниқ-равшан ишлар партиянинг, унинг ҳар бир аъзосининг обрўсини мустаҳкамламоқда. Натижада Ўзбекистон Компартияси, ички сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг мураккаблигига қарамай, бозор муносабатларига ўтиш даврида ижобий тажриба тўплади. У ўз сафларини мустаҳкамлаш юзасидан катта иш олиб бормоқда, шу сабабли партия билетларини ўз ихтиёри билан топшираётганлар сони жуда кам. Бу тажриба бошқа партия комитетларига ҳам фойдалидир.

Меҳнат жамоалари учун кучли меҳнат омилларини вужудга келтириш, товар ишлаб чиқарувчиларга эркинлик бериш ва шу билан бир вақтда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш — ишлаб чиқаришдаги таназзулни бартараф этиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг муҳим омилларидир. Демократия бошбошдоқлик билан, ошкоралик митингбозлик билан, фикрларнинг хилма-хиллиги сусткашлик ва интизомсизлик билан чиқиша олмайди, деб таъкидланди учрашувда.

Учрашувда ҳозирги пайтда партиянинг ўзида юз бераётган мураккаб, зиддиятли ва ташвишли жараёнлар тўғрисида алоҳида куйиниб гапирилди. Бунинг сабаблари кўп. Партия турмушдаги мураккаб жараёнларни таҳлил қилишда кўпинча орқада қолиб сиёсий ташаббусни қўлдан бериб, бинобарин бу билан одамларнинг назднда обрўсини йўқотиб қўймоқда. КПСС мухолифлари бундан фойдаланиб, партия амалий ҳаракат қилишга, демократик янгиланишга қодир эмас деган фикрни тиқиштирмоқдалар. Бунинг устига бир қанча партия комитетлари ва партия ташкилотларида ҳозирги шароитда парламент тусидаги партия ҳолати КПСС учун қониқарлидир, деган фикр пайдо бўлган. Бундай қарашлар ва айниқса унга асосланган ҳаракатлар партияни сиёсий турмушдан четга улоқтириб ташлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон коммунистлари сиёсий воқеликни ҳисобга олиш мавқеида турибдилар, улар КПСС ўз ташаббуси билан бошлаган демократик ислоҳотлардан, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги туб ўзгаришларга партиявий раҳбарликдан воз кечишига мутлақо рози эмаслар, деб таъкидлашди учрашув қатнашчилари. Армияни, Давлат хавфсизлиги комитетини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини партиядан холи қилиш учун, партия комитетларини корхоналардан ташқарига чиқариб юбориш учун уринаётган кишилар аслида жамиятни беқарорлик ва тартибсизликка тойдирмоқдалар. Шу муносабат билан партия кадрлар сиёсатига бевосита таъсир ўтказган тақдирдагина кучли бўлиши таъкидлаб ўтилди.

Учрашувда таъкидландики, ҳозирги шароитда халқ ҳокимияти идораларига, улар билан алоқаларни ва баҳамжиҳат ҳаракатларни мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Коммунистларнинг халқ депутатлари Советларида фаол иш олиб бориши партияга жамиятдаги ўз мавқеини мустаҳкамлаб олишга, халқ депутатлари Советлари билан биргаликда иқтисодиётдаги танглнкни бартараф этишнинг самарали чораларини ишлаб чиқишга ва пировард натижада партиялилар оммасининг ҳокимиятини амалда қарор топтиришга имкон беради.

(ЎзТАГ).

# ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ ОРБИТАДА

## ТАСС ахбороти

1991 йил 18 май куни Москва вақти билан соат 15 дан 50 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз ТМ-12» космик кемаси учирилди.

Экипаж таркиби: командир Анатолий Арцебарский, бортинженер Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Сергей Киркалев ва тадқиқотчи-космонавт, Буюк Британия фуқароси Хелен Шармандан иборат.

Парвоз режасида «Союз ТМ-12» кемасини учувчи бошқарадиган «Мир» комплекси билан туташтириш ҳамда саккизинчи асосий экспедиция фазогирлари Виктор Афанасьев ва Муса Манаров билан биргаликда тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказиш кўзда тутилган.

«Союз ТМ-12» кемасидаги системалар кўнгилдагидек ишлаб турибди. Анатолий Арцебарский, Сергей Крикалев ва Хелен Шарман ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.



### АРЦЕБАРСКИЙ Анатолий Павлович

Анатолий Павлович Арцебарский 1956 йил 9 сентябрда Днепропетровск вилоятининг Покровское районидаги Просяная қўрғонида туғилди.

1977 йилда Харьковдаги икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. И. Грицевец номидаги Қизил Юлдуз орденли учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини тугаллади. Ҳарбий-ҳаво кучларида учувчи-инструктор, кейин эса синовчи-учувчи бўлиб хизмат қилди. У «1-классли ҳарбий учувчи-инструктор» ва «2-классли синовчи-учувчи» малакаларига эга.

А. П. Арцебарский —1980 йилдан буён Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

1987 йилда асосий ишдан ажралмаган ҳолда Серго Орджоникидзе номидаги Москва авиация илмгоҳини тугаллади.

Коинотдаги парвозларга 1985 йилдан тайёрлана бошлади. «Союз ТМ» кемаларида ва «Мир» орбитал комплексида учишларга тайёргарлик тўла курсидан ўтди.

### Хелен ШАРМАН

Буюк Британия фуқароси Хелен Шарман 1963 йил 30 майда Шеффилдда туғилди.

1984 йилда Шеффилд дорилфунунининг кимё факультетини битирганидан кейин Жи-и-си корпорациясининг электр ва электрон асбоблар заводида, кейин эса «Марс» компаниясининг қандолатпазлик фабрикасида технолог бўлиб ишлади. Шу билан бирга Лондон дорилфунунида ўқишни давом эттирди.

1989 йилнинг декабрида Хелен Шарман Ю. А. Гагарин номидаги фазогирлар тайёрлаш марказида машқ қила бошлади. «Союз ТМ» кемасида ва «Мир» орбитал комплексида учишга тайёргарлик курсидан ўтди.

### КРИКАЛЕВ Сергей Константинович

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Сергей Константинович Крикалев 1958 йил 27 августда Ленинградда туғилди.

1981 йилда Ленинград механика илмгоҳини битирганидан кейин «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлади. Иш мобайнида ўзининг юқори малакали мутахассис эканлигини кўрсатди. Фазовий техниканинг янги намуналарини яратишда иштирок этди.

С. К. Крикалев — самолёт спорти бўйича СССР спорт мастери.

Коинотга парвоз қилишга Сергей Константинович 1985 йилдан тайёрлана бошлади. У коинотга биринчи марта 1988—1989 йилларда Совет—Франция экипажининг ҳамда «Мир» орбитал комплекси тўртинчи асосий экспедициясининг бортинженери сифатида учиб, коинотда беш ой бўлган эди. Унга «3-класс фазогири» малакаси берилган.

# КУМУШ ТОЛА ХИРМОНИ

**Сурхондарё пиллачилари ҳосилни йиғиштириб ола бошладилар. Ангор, Термиз, Жарқўрғон районларидаги қабул пунктларига оилавий звеноларда етиштирилган дастлабки пилла туркумлари келтирилди. Сўнгги йилларда вилоятдаги барча хўжаликларда пилла етиштиришда меҳнатни ташкил этишнинг ушбу шаклидан фойдаланилмоқда. Натижада хом ашё етиштириш кўпайяпти. Масалан, ўтган йили режадагига қўшимча 274 тонна пилла тайёрланди. Пиллачилар бу йил ҳам мавсумни режадаги кўрсаткичларни ошириб бажариш билан якунлашни мўлжалламоқдалар.**

**Бироқ меҳнатчиларнинг ташвиши бор: июнь ойининг ўрталарида хом ашёнинг дастлабки туркуми қайта ишлаш учун тайёрлаб жўнатилиши керак. Лекин вилоятда бу хом ашёни кимга етказиб беришни ҳали ҳам билишмайди. Авваллари йил бошидаёқ Тошкентдан юбориладиган топшириқда кўрсатилар эди. Бу йил эса пиллани қаерга жўнатиш бундай кўрсатма ҳам кечикди. Шу туфайли истеъмолчилар билан шартномалар тузилмади. Бу ишдаги сусткашлик пиллачилар учун кўпгина молиявий ва ишлаб чиқариш қийинчиликларини келтириб чиқариши мумкин.**

# ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

## ИЗБОСКАН

Ҳар гектар майдондан 40 центнердан хирмон кўтаришни кўзда тутаётган Калинин номли жамоа хўжалиги заршунослари ғўза парваришини намунали олиб боришаяпти. Бу иш айниқса, А. Ёқубов, А. Акбаров, У. Қўчқоров, Р. Мадаминов саркорлик қилаётган бригадаларда уюшқоқлик билан бажарилаётир.

Пайкаллар деҳқонларга бўлиб берилгани қўл келмоқда. Ҳ. Раззоқов, Ф. Болтабоев, У. Қўчаров каби ижарачилар ниҳолларга дастлабки ишлов бериш ҳамда яганалашни қисқа муддатда ниҳоясига етказишди.

Ш. Келдиев.

* * *

Бобир номли жамоа хўжалиги пахтакорлари жорий йилда мавжуд, 290 гектар майдондан 826 тонна сифатли оқ олтин етиштириш иштиёқида астойдил меҳнат қилишаяпти. Пуштага экилган чигит бир текис униб чиққач, деҳқонлар тўла гектарлар яратиш, пайкалларда кўзда тутилган миқдорда соғлом кўчат қолдиришга алоҳида аҳамият беришди.

— Пуштага экишнинг фойдаси кўп, — дейди бошқарув раиси Мадолим Байдуллаев. — Кўчатлар текис униб чиқади. Қатқалоқ пайтида қийинчиликларга дуч келинмайди. Ишлов бериш чоғида эса ғўза нобуд бўлмайди.

Хўжалик далаларидаги ғўза қатор оралари сифатли юмшатилаяпти. Ғуломжон Раҳмонов бошлиқ бригада пахтакорлари экишни биринчилардан бўлиб, тугаллаганликлари учун 200 сўм пул мукофотини қўлга киритишганди. Аҳил жамоа аъзолари астойдил меҳнат қилишиб, яганалашни ҳам хўжаликда барвақт тамомлашди. Хўжалик бошқаруви бригадани 300 сўм пул мукофоти билан рағбатлантирди. И. Хўжамов, Зокиржон Ғозиев етакчилик қилаётган жамоаларнинг далаларида ғўзага ишлов бериш намунали амалга оширилмоқда.

М. Тўхтаназаров.

## КОСОНСОЙ

Райондаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари чигит экишни апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида тугаллаган эдилар. Айни дамда уруғ бехато униб чиққан пайкалларда ишлов бериш ва яганалаш рисоладагидек амалга оширилаяпти. 11 та культиватор ёрдамида кунига 50—60 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига озуқа киритилаяпти.

Ф. Тошпўлатов.

*Хўжалик раҳбари минбари*

# ТАДБИРКОРЛИКНИ ЎРГАНАЯПМИЗ

Жумҳуриятимизнинг, айниқса вилоятимизнинг тупроғи, табиий иқлим шароити аҳоли дастурхонини нознеъматлар билан тўкин қилиш учун жуда қулай. Аммо мамлакатимиз пахта мустақиллигини таъминлаш учун ана шу имкониятдан бир ёқлама, яъни пахта хом ашёси етиштириш мақсадини кўзлаб фойдаланилди. Марказдаги раҳбарлар «Сиз мамлакат эҳтиёжини таъминлайдиган миқдорда оқ олтин етиштираверинг, бошқа зарур нарсаларни етарлича оласизлар», деб ваъда беришди. Охир-оқибатда остонамизгача чигит қададик. Бошқа экинларга иккинчи даражали иш деб қаралди. У ёки бу хўжаликка ва унинг раҳбари фаолиятига баҳо беришда фақат пахта тайёрлаш режасини бажариш асосий мезон қилиб олинди.

Натижада ғўза яккаҳокимлиги келиб чиқди. Белгиланган топшириқлар бажарилса-да халқ дастурхонидан барака кўтарилди. Йилига икки-уч марталаб сабзавот маҳсулотлари етиштириш мумкин бўлган еримизда тер тўкаётганлар шундай нознеъматлардан бебаҳра қолишди. Бозорларда мева-чеванинг баҳоси ошиб кетди.

Қайта қуриш шарофати туфайли аҳвол ўзгараяпти. Жумҳуриятимиз Президентининг саъй-ҳаракатлари орқасидан хўжаликларга мустақиллик берилмоқда. Пахтазорлар қисқартирилиб, ўрнига сабзавот, полиз, озуқа экинлари экилаётганлиги, боғлар яратилаётганлиги, аҳолига томорқа учун ер берилаётганлиги айни муддао бўлаётир. Эндиликда далада меҳнат қилаётган киши ўз меҳнатидан даставвал ўзи, сўнгра бошқалар ҳам баҳраманд бўлишини таъминлаш омилкорликка, ишбилармонликка боғлиқ эканлиги тобора аёнлашмоқда. Шу боисдан ишни вазиятга қараб ташкил этишга интилаяпмиз.

Бир эътибор беринг. Ҳар йили апрель-май ойларида пиёз танқислашиб қолади. Чунки бир йил аввал жамғарилгани ҳаво исигани туфайли кўкариб, айний бошлайди. Янгиси эса ҳали етилмаган бўлади. Биз мутахассислар билан бу масалани чуқур ўргандик. Маълум бўлишича, қўшни Тожикистонда пиёзнинг «Пешпазак» деган эртаги, серҳосил нави бор экан. Унинг уруғидан олиб келиб, аввалига озроқ майдонга экдик. Натижа кутилганидан зиёд бўлди. Бултур пиёз қадаладиган пайкалларни янада кенгайтирдик. Ўн олти гектар далага ташланган уруғ бугунга келиб етилди. Айни пайтда уни йиғиштириб, сотаяпмиз. Ҳисоб-китобларга кўра ҳар гектар ердан камида 25 тоннадан ҳосил олиш мумкин. Тайёрлов ташкилотлари унинг бир килограммига 1 сўм 60 тийиндан тўлаб, бажонидил олиб кетишмоқда.

Эртаги пиёзнинг яхши томони шундаки, уруғи сентябрь, октябрь ойларида экилади ва ҳосили май ойида ковланади. Унинг ўрнига бошқа ҳар қандай экинни, ҳатто чигитни қадаш мумкин. Агар бир йилда ердан икки марта хирмон кўтарилишини назарда тутсак самарадорлик икки ҳисса ортиши аёнлашади.

Биз талабни ҳисобга олиб, эртаги пиёз ўрнига мош экишни мўлжаллаяпмиз. Шунингдек, бошлаган ишни изчил давом эттирамиз. Жорий кузда пиёз етиштириладиган майдонларни 30 гектарга етказамиз. Табиийки, маҳсулот тайёрлаш ҳам, даромад ҳам кўпаяди.

Фақат шу билан чегараланиб қолаётганимиз йўқ. Халқимиз турмуш шароитини яхшилашга ёрдамлашадиган қандай имконият бўлса, ҳаммасидан тўлиқроқ фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Илгари 60 гектар атрофида ғаллазор бўларди. Ҳозир бу 170 гектарни ташкил этади. Экин ривожи яхши. Ғаллакорлар ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнердан оширишни кўзлашмоқда. 90 гектар майдонда маккажўхори парваришланмоқда. У дон учун қадалган. Мўлжалимиз — гектаридан кам деганда 70 центнердан хирмон кўтариш. Маҳаллий шароитда бу марранн эгаллаш мумкин. Бошқа озуқа экинларидан ҳам мўл-кўл ем-хашак тайёрламоқчимиз. Буларнинг ҳаммаси чорвачиликни ривожлантиришга имкон яратади.

Хўжалигимизда сабзавот, мева, ғалла, маккажўхори каби экинларни кўпайтириш билан бир пайтда пахтачиликка бўлган эътиборни сира сусайтирмаймиз. Бу соҳа ҳозирга қадар асосий тармоқ ҳисобланарди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Деҳқонларимизнинг бой тажрибаси, тадбиркорлиги, астойдил меҳнати туфайли ҳосилдорлик тобора кўтарилмоқда.

Бу йил ҳам юксак марралар кўзланган. Апрелда 1200 гектар ерга чигитни қисқа муддатда, сифатли қададик. Табиат инжиқлиги туфайли майнинг бошида 500 гектарга қайтадан уруғ экишга тўғри келди. Бугунги кунда жамики майдонларда текис ниҳоллар олинган. Улар дастлабки культивациядан чиқарилди. Айни кезда охирги пайкаллардаги ғўза кўчатлари яганаланмоқда. Пахтакорларимизнинг мақсади — гектаридан ўртача 32 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деганларидек, ишбилармонликни, омилкорликни ўрганаётганимиз туфайли хўжалигимиз иқтисодиёти мустаҳкамланмоқда. Колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги ортаяпти. Ўтган йили барча соҳалардан 8 миллион сўм даромад қилинди. Шундан 2 миллион сўми фойда. Ишловчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи салкам 300 сўмга етди. Бу йил янада кўпроқ бўлиши кутилмоқда.

Хўжалигимизда иккита ўрта, иккита саккиз йиллик мактаб, 6 та боғча бор. Маиший хизмат уйи, клуб одамлар хизматида. Хонадонлар ичимлик сув билан таъминланган. Лекин булар ҳали етарли эмас. Биз олинаётган фойданинг асосий қисмини аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга сарфлашни мўлжаллаяпмиз. Негаки тараққиётимиз, келажагимиз меҳнат аҳлининг ғайрат-шижоатига боғлиқ.

Дарҳақиқат, ишбилармонликда ҳикмат кўп. Аммо биз эришган натижалар катта ишнинг бошланиши, холос. Фойдаланилмаётган имкониятлар талай. Уларни тадбиркорлик билан ишга солиш лозим. Ҳаракатда баракат, деганлар. Биргаликда, баҳамжиҳат меҳнат қилсак барча мақсадларга албатта эришамиз.

**О. БОБОМУРОДОВ,**
**Денов районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.**

# «ИЗВЕСТИЯ» ГАЗЕТАСИНИНГ ТАҲРИРИЯТИГА

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридаги Жигаристон қўрғонида юз берган табиий офат —кўчки муносабати билан ҳамдардлик билдирган мамлакатлар, республикаларнинг раҳбарларига, шунингдек ташкилотлар, корхоналар жамоаларига ва айрим фуқароларга газетангиз орқали миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсиз.

**Ўзбекистон ССР Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

(«Известия» газетасидан).

ЖИГАРИСТОН:

# БУТУН ДУНЁ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРМОҚДА ВА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

Жигаристондаги фожиали воқеалар бутун дунёнинг эътиборини ўзига қаратди. Ўзбекистон ССР президенти И. А. Каримов номига ҳамдардлик телеграммалари ва ёрдам тўғрисида хабарлар келиб турибди.

Бу телеграммалардан бири Эрон Ислом Республикасидаги мусулмонлар учун муқаддас бўлган Қум шаҳридан келган. Унда, жумладан, бундай дейилади: «Бисмиллоҳу раҳмону раҳим. Табиий офат юз бериб, одамлар нобуд бўлганини эшитиб қаттиқ қайғурдим. Сизларга, шаҳид бўлганларнинг оилаларига, мамлакатингиздаги барча аҳли муслимга самимий ҳамдардлик билдираман. Оллоҳ ёрлақасин. Абдул Карим Мусавий АРДАБЕЛИЙ».

Яна бир телеграмма Москвадан, СССР давлат чет эл туризми комитетидан келган. Унинг жамоаси жумҳуриятда юз берган табиий офат муносабати билан самимий ҳамдардлик билдириб, жабрдийдаларга ёрдам бериш ва фожиа оқибатларини тугатиш учун Ўзбекистонга ёрдам жамғармасига 50 минг АҚШ долларини ўтказди.

Учинчи телеграмма Фарғонадан келган. Уни Фарғонадаги «Орзу» ёшлар уй-жой комплекси жамоаси юборган бўлиб, жамоа ўз даромадларидан ёрдам жамғармасига икки минг сўм ўтказганлигини Президентга маълум қилган.

(ЎзТАГ).

# *Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг фармони*

**И. ҚЎЧҚОРОВ, Ҳ. РИЗОҚУЛОВ ЎРТОҚЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, Сирдарё вилоятини ижтимоий ва маданий ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин:

**Қўчқоров Иброҳим** — табиатни муҳофаза қилиш Сирдарё вилоят комитетининг раиси;

**Ризоқулов Ҳамроқул** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлимининг масъул котиби.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 май.

